

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ” ДК**

ҚУДРАТОВ АКМАЛЖОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**ОҚАВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ЮҚОРИ САМАРАДОР СОРБЕНТЛАРНИ ЯРАТИШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the dissertation of doctor of science (DSc)

Кудратов Акмалжон Мирзатиллаевич

Оқава сувларни тозалаш учун маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарадор сорбентларни яратиш 3

Кудратов Акмалжон Мирзатиллаевич

Создание высокоэффективных сорбентов на основе местных сырьевых ресурсов для очистки сточных вод..... 31

Kudratov Akmaljon

Development of high-performance sorbents based on local raw resources for wastewater cleaning..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ” ДК**

ҚУДРАТОВ АКМАЛЖОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**ОҚАВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР
АСОСИДА ЮҚОРИ САМАРАДОР СОРБЕНТЛАРНИ ЯРАТИШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/K57 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация иши “ГИДРОИНГЕО Институти” Давлат корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашвеб-саҳифаси (www.tkti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Салимов Зокиржон Салимович

техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги

Расмий оппонентлар:

Кулматов Рашид Анорович

кимё фанлари доктори, профессор

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна

кимё фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Қодиров Хасан Иргашевич

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 рақамли илмий кенгашнинг “2” март 2019 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, Факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумин. (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “__” _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

Ш.А. Муталов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Х.Л. Пулатов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

А.С. Сидиков

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда юқори самарадор сорбентларга бўлган талаб ортиб бормоқда ва уларни олиш учун, табиий органик, ноорганик, айниқса, углеродли ресурслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оқова сувлардан оғир металллар ионлари, нефть маҳсулотлари ва бошқа заҳарли компонентларни ажратиб, тозалашда сорбентларнинг аҳамияти катта. Экологик жиҳатдан ҳавфсизлиги, таннархининг пастлиги, қўлланилиши қулайлиги ва кўп марталик регенерация қилиш имкониятининг мавжудлиги туфайли сорбцион материалларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун бундай сорбентларни яратишнинг янги усул ва технологияларини ишлаб чиқиб, улар ёрдамида оқова сувларни тозалаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга бўлган эътибор, талаб этилган таркиб ва структурали сорбцион-ион алмашувчи материалларни яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бунда оқова сувларни тозалаш учун табиий минералларни модификациялаш ва кўмирларни фаоллаштириб углеродли сорбентларнинг янги самарадор усуллари ишлаб чиқиш, целлюлоза ва полиакрилонитрил (ПАН) асосида кўп компонентли ион алмашувчиларни яратиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориб, қаттиқ ғовак структурали, механик мустаҳкам, юқори даражадаги кимёвий, термик ва радиацион турғунликка эга бўлган замонавий сорбцион-ион алмашувчилар муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиб турли сорбцион-ион алмашувчи материаллар қўллаш билан атроф-муҳитни тозалаш, саноатга жалб қилувчи рационал технологияларини ишлаб чиқиш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, тармоқни сифат жиҳатдан янги даражада ўтказиш йўли билан унинг технологик диверсификациясини ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Бунда оқова сувларни тозалаш учун табиий минералларни модификациялаш ва кўмирларни фаоллаштириб углеродли сорбентларга қайта ишлашнинг янги самарадор усуллари ишлаб чиқиш, целлюлоза ва полиакрилонитрил (ПАН) асосида кўп компонентли ион алмашувчиларни яратиш катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Оқова сувларни тозалаш учун минерал ва иккиламчи органик ресурслар асосида сорбцион-ион алмашувчи материаллар яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан: Department of Chemical Engineering, Institute of New York (АҚШ), Luxembourg Institute of Science and Technology (Германия), Mexico of Science Attapulcus (Мексика), Fertilizer Research Institute (Польша), The Chemical Society of Japan (Япония), University of Science and Technology (Хитой), Department of Chemistry (Ҳиндистон), National Nanotechnology Center (Таиланд) Department of Chemical Engineering (Иордания), Россия Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институти, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Киров номидаги Свердловск политехника институти (Россия), Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Саноат оқова сувларини сорбентлар ёрдамида тозалашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: минерал тупроқ гилмояларни физик-кимёвий қайта ишлаб органик таркибли суюқликларни тозалаш учун ноорганик сорбентлар олиш технологияси кимёвий қайта ишланиб, термик ишлов беришдаги ҳароратни пасайтириш йўли билан такомиллаштирилган (Mexico of Science Attapulcus, Мексика); композицион сорбцион-ион алмашувчи материаллар олишда дивинилбензолни модификациялаб, таркибига ионоген-фаол функционал гуруҳларни киргизиш орқали юқори мустаҳкамликка эга бўлган ва сувдаги металллар ионларини селектив тутишга мўлжалланган материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Киев, Харьков миллий университетлари, Украина); полиакрилонитрил ва целлюлоза асосидаги катион ва анион алмашиш хусусиятига эга бўлган материаллар олинган ва уларни оқова сувларни тозалашда қўллаш технологияси яратилган (Россия Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Киров номидаги Свердловск политехника институти, Россия); углеродли, минерал ва органик ресурслар асосида, уларни модификациялаб, таркибига ионоген-фаол функционал гуруҳларни киргизиш орқали сорбцион-ион алмашувчи ва композицион материаллар яратилган (Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда оқова сувларни сорбентлар ёрдамида тозалаш бўйича бир қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.km.ru, www.fundamental-research.ru, www.works.doklad.ru, www.dissercat.com, www.api.org ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ичимлик ва саноат оқава сувлари таркибидаги оғир металл ионларини ажратиш; табиий минераллар ва органик таркибли каркасага ионоген гуруҳларни киритиш механизмларини аниқлаш; ион алмашувчиларнинг янги авлодини яратиш ва уларни оқава сувларни тозалаш амалиётида қўллаш; саноат сувлари таркибидан халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотларни қайтариш ва ноёб элементларни концентрлаб, саноат концентрацияси даражасига келтириш истиқболларини кенгайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда сорбцион материаллар кимёвий модификациялаш жараёнлари ва олиш технологиялари, шунингдек оқава сувларни зарарли қўшимчалардан тозалашда танлаб фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар (А.М.Когановский, Ч.Амфлетт, М.М.Дубинин, А.Д.Смирнов, Л.А.Кульский, Б.В.Волков, И.А.Тарковская, Ю.И.Тарасевич, В.Д.Лукин, Э.А.Арипов, Н.В.Кельцев, А.Т.Таджиев, Р.А.Халмухамедова, М.Я.Пулеревиц, Т.В.Сербина, Е.Е.Ергожин, А.М.Акимбаева, В.С.Попов, С.З.Муминов, А.А.Агзамходжаев, С.М.Турабжанов, Р.А.Назирова, Ш.А.Муталов) муҳокама қилинган. Адабиётларда табиий сорбентлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, бироқ уларни экокимёвий асосларга боғлиқ равишда яратиш ва маҳаллий ресурслар асосида сорбцион материалларни танлаб қўллашга бағишланган ишлар йўқ.

Маҳаллий кўмирлар асосида юқори самарадор импорт ўрнини босувчи улеродли сорбентлар яратиш, целлюлоза тутувчи табиий воситаларни ишлов бериб фаоллаштириш соҳасида тадқиқот олиб бориб, карбамид иштирокида целлюлозани фосфор кислотаси билан этерификация реакциясини амалга оширувчи янги технология асосида юқори алмашиш ҳажмига эга бўлган сорбцион-ион алмашувчи материалларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланиб, амалиётда ерусти ва ерости сувларни юқори самарадор маҳаллий сорбцион материаллардан фойдаланиб адаптацион тозалаш технологиясини яратишда мақбул шароитларни тадқиқ қилиш имконини яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти ҳамда И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб керосинни адсорбцион тозалашни ишлаб чиқиш ва саноат тажрибаларини ўтқазиш” (амалий), “Нефтьни қайта ишлаш саноатидаги оқава сувларни тозалаш жараёнида фойдаланиш учун янги, арзон ва самарадор флокулянтни ишлаб чиқаришга қўллаш ва ишлаб чиқиш” (амалий), “Хар хил металл анион ва катионларига янги адсорбцион-ион алмашувчи материалларнинг танланувчанлик қонуниятларининг ўзгариши” (2008-2009 йй.) (фундаментал), “Суяқ чиқиндиларни утилизациялаш ҳамда бир вақтни ўзида ҳам ичимлик ва техник сув олиш” (2009-2011 йй.) (инновацион) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқава сувларни оғир металллардан, радиоактив элементлардан ва нефть маҳсулотларидан тозалаш учун маҳаллий табиий минерал, углеродли ва иккиламчи органик ресурслар асосида юқори

самарадор импорт ўрнини босувчи сорбцион-ион алмашувчи материаллар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли структурали ва хоссали сорбцион материаллар олиш учун яроқли бўлган маҳаллий углеродли, минералли ва целлюлоза тутувчи табиий ва иккиламчи ресурсларнинг таркиби ва хоссаларини тадқиқ қилиш;

Ангрен ва Шоргун кўмирларини асосий хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда улар асосида юқори самарадор импорт ўрнини босувчи улеродли сорбентлар яратиш;

Нурота ва Навбаҳор кони КПТни сорбентлар олиш мақсадида физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

бошланғич целлюлоза тутувчи табиий воситаларни фаоллантириб, карбамид иштирокида, фосфор кислотаси билан этерификация реакциясини амалга оширувчи янги технология асосида юқори алмашиш ҳажмига эга бўлган сорбцион-ион алмашувчи материалларини яратиш;

яратилган сорбентларнинг алмашиш ҳажмига ҳарорат, этерификациялаш вақти ва фосфор кислотаси миқдори таъсирини тадқиқ қилиш;

олинган сорбентларни физик-кимёвий хоссаларини замонавий усуллар ёрдамида комплекс тадқиқ қилиш ва ўрганиш;

таркибида радиоактив элементлар тутувчи ерости ва оғир металллар ионларини ҳамда нефть маҳсулотларини тутувчи саноат оқава сувларни юқори самарадор маҳаллий сорбцион материаллардан фойдаланиб танлаб тозалаш технологиясини яратиш вамақбул шароитларни тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минералли (КПТ), углеродли (кўмир), целлюлоза тутувчи табиий иккиламчи ресурслар, ПАН, таркибида радиоактив элементлар тутувчи, оғир металллар ионларини ҳамда нефть маҳсулотларини тутувчи саноат оқава сувлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети сорбцион-ион алмашувчи материалларни яратиш ва уларни физик-кимёвий хоссалари тадқиқоти билан боғлиқ бўлган комплекс назарий, амалий масалалар, уларни олишнинг мақбул жараёнлари, шунингдек сувларни сорбцион-ион алмашишли тозалашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Физик-кимёвий тадқиқотларнинг комплекс аналитик усуллари, термография, сорбцион, ИҚ-спектроскопия, рентген тузилишли таҳлил, математик планлаштириш ва моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор оқава сувларни тозалаш учун мўлжалланган карбонатли палигорскит тупроғи асосидаги сорбентлар яратилган, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини бошланғич маҳсулотни кислотали-термик, сувли-термик фаоллаштириш (модификациялаш) га нисбатан боғлиқлиги аниқланган;

кислотали-термик модификациялаш билан карбонатли палигорскит тупроғидаги SiO_2 миқдорининг ортиши олинган сорбентларни термик 850°C ҳарорат ва 5 дақиқа вақт мобайнидаги модификациялашда кристал панжаранинг бузилиши ва карбонатларни парчаланиши билан CO_2 нинг ажралиб

чиқиши, табиий микроструктуранинг ғовакланиши содир бўлиши ва зарур алмашиш ҳажми, зичлик, солиштира юзага эга бўлиши аниқланган;

маҳаллий ўсимлик чикитлари, кўнғир ва тошкўмирлар асосда юқори мутаҳкам, сорбцион-ион алмашувчи хоссага эга бўлган фаолланган кўмирлар (ФК), сульфокўмир ишлаб чиқариш усуллари яратилган;

илк бор алмашиш ҳажми 10 мг-экв/г бўлган целлюлозанинг фосфорли эфири (ЦФЭ) яратилган ҳамда бошланғич целлюлозани ажралишига таъсир қилувчи омиллар, олинган ион алмашувчининг алмашиш ҳажмига ҳарорат, этерификация вақти ва фосфор кислотаси миқдорининг таъсири аниқланган;

илк бор полимер (целлюлозанинг фосфорли эфири ва полиакрилонитрил) матрицанинг сирт фаол марказларининг ўзаро (гетероген) таъсирлашиш табиати ва хоссалари аспекти исботланган;

алмашиш ҳажми 0,1н NaOH бўйича 11,12 мг-экв/г, 0,1н HCl бўйича 3,1 мг-экв/г гача бўлган полиамфолит яратилган;

полиамфолитни турли анион ва метал катионлари, радиоактив элементлар, шунингдек нефть маҳсулотларини нисбатан кичик зичлик даражаси, юқори солиштира юзаси ва бошқа кўрсаткичлар асосий кинетик қонуниятлари ва сорбцияланиш механизмлари аниқланган;

яратилган сорбцион материалларни сувдаги ҳар хил табиатли метал ионлари, радиоактив элементлар ҳамда нефть маҳсулотларига нисбатан селективлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий КПТни кислотали-термик, сувли-термик модификациялаб сорбентлар олинишининг технологияси ишлаб чиқилган;

КПТ асосидаги сорбентларнинг физик-кимёвий хоссалари кислотали-термик, сувли-термик модификациялашга нисбатан боғлиқлиги, таркибидаги SiO₂ миқдори жиддий ўзгариши билан ундан оқова сувларни тозалаш учун фойдаланиш ва бунда минерал ғовак структурасини самарали сорбциялаш ечими ишлаб чиқилган;

ЦФЭ ион алмашувчини яратишда бошланғич целлюлозани ажралишига таъсир қилувчи омиллар, олинган ион алмашувчининг алмашиш ҳажмига ҳарорат, этерификация вақти ва фосфор кислотаси миқдорининг таъсири инобатга олиниб, технологияси ишлаб чиқилган;

маҳаллий ўсимлик чикитлари, кўнғир ва тошкўмирлар асосда юқори мустаҳкамликка, сорбцион-ион алмашувчи хоссага эга бўлган ФК, сульфокўмир ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган;

оқова сувдаги металл катионлари ва анионлар, радиоактив элементларни тутишда алмашиш ҳажми 10 мг-экв/г га тенг бўлган ЦФЭ ҳамда у билан ПАН сополимери асосида полиамфолитларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш истиқболи баҳоланган;

“Муборак ГҚИЗ” УҚда оқова сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш учун маҳаллий хомашё асосида олинган сорбент, Ангрен кўмири асосидаги Ангрен фаолланган кўмир-1 (АФК-1) ва донадор фаолланган кўмир-2 (ДФК-2) сингари юқори самарадор сорбентлар таклиф қилиниб, улардан фойдаланиш технологик ечимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфаза, термик, ИҚ-спектроскопик) таҳлил натижалари орқали тажрибалар, қўйилган вазифаларнинг тўғрилиги, математик ҳисобларнинг аниқлиги билан тасдиқланган назарий ва тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувларни тозалаш учун Ангрен, Шоргун кўмири, Нурота ва Навбаҳор кони КПТ, целлюлоза тутувчи ва иккиламчи ресурслар асосида, талаб этилган ғовак структурали фаолланган кўмир ва сорбцион-ион алмашувчи материаллари яратишдаги кислотали-термик, сувли-термик фаоллаштириш (модификациялаш) га нисбатан боғлиқлиги ва уларни турли анион ва метал катионлари, радиоактив элементлар, шунингдек нефть маҳсулотларини нисбатан кичик зичлик даражаси, юқори солиштира юзаси ва бошқа кўрсаткичлар асосий кинетик қонуниятлари ва сорбцияланиш механизмларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ангрен, Шаргун кўмири, Нурота ва Навбаҳор кони КПТ, целлюлоза тутувчи ва иккиламчи ресурслар асосида, талаб этилган ғовак структурали фаолланган кўмир ва сорбцион-ион алмашувчи полиамфолит материаллар синтези, уларнинг технологияларини яратиш ҳамда оқова сувлардан зарарли қўшимчаларни ажратишда фойдаланишдан, олинган юқори самарадор ионалмашувчи сорбентларни соноат оқова сувларидаги металл катионлари ва анионлар, нефть маҳсулотлари ва радиоактив элементлардан тозалашда қўлланилиши, ерости сувларидан нодир элементларни концентрлаш ва уларни олинишидаги саноат концентрациясига яқинлаштиришда ва экологик ҳолатни яхшилашда фойдаланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқова сувларни оғир металллардан, радиоактив элементлардан ва нефть маҳсулотларидан тозалаш учун маҳаллий табиий минерал, углеродли ва иккиламчи органик ресурслар асосида юқори самарадор импорт ўрнини босувчи сорбцион материаллар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

палигорскит асосида сорбент олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 03043, 2006 й.). Натижада оқова сувларни оғир металл ионларидан тозалашда қўллаш мумкин бўлган сорбент олиш имконини берган;

оқова сувларни нефть маҳсулотларидан босқичма-босқич тозалашнинг янги технологияси “Муборак ГҚИЗ” УҚда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 28 май 2018 йилдаги 03-03/2-2635-сон маълумотномаси). Натижада юқори самарадор сорбентлардан фойдаланиб, сувни нефть маҳсулотларидан тозалашнинг биринчи босқичида 70-80% дан юқори бўлиши ва иккинчи босқичида 100% гача ортиши имконини берган;

техник йод олишда ерости саноат сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш технологияси “Бухоро-йод” МЧЖда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси-

нинг 28 май 2018 йилдаги 04/10-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий сорбентлар ёрдамида сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаб, технологиядаги машина ва жихозларни иш унумдорлигини ортиши имконини берган;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича назарий ва технологик ишланмалари “ГИДРОИНГЕО институти” ДКда бажарилган илмий тадқиқот ишларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 28 май 2018 йилдаги 04/10-сон маълумотномаси). Натижада ер ости сувларидан оғир металл ионлари, радиоактив элементлар ва нефть маҳсулотларини ажратиш олишда маҳаллий, юқори самарадор сорбцион материаллардан фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан 19 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 215 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оқава сувларни сорбцион усулда тозалаш учун табиий ресурсларни модификациялашнинг муаммолари, ютуқлари ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида табиий ва оқава сувларни тозалаш учун кўмир, табиий минераллар, целлюлоза тутувчи ва иккиламчи ресурслар асосида сорбцион-ион алмашувчи сорбентлар кимёвий структураси ва хоссасини ўрганиш, олиш соҳасида назарий ва экспериментал тадқиқот материаллари бўйича илмий-техникавий адабиёт ва қўлланмалар шарҳи келтирилган. Табиий ва иккиламчи материалларни олиш ва уларни қўллаш мақсадида кимёвий модификациялашнинг ҳар хил усуллари, шунингдек сувни тозалашда сорбциялаш ва ион алмашишнинг амалий муаммолари муҳокама қилинди. Минералларнинг специфик ва ноёб кимёвий хоссалари, уларни ҳар хил турдаги моддалар билан модификациялаш имкониятлари

технология ва экологиянинг муҳим муаммоларини тўлиқ ечишга қаратилган кейинги тадқиқотларни ривожланишини тезлаштиради.

Адабий таҳлилларни тадқиқ қилиш модификацияланган ва берилган кимёвий хоссали ҳамда структурали ФК олиш жараёни бўйича тўла маълумотлар беради. Олинган илмий-амалий натижалардан келиб чиқиб, янги ФК олишнинг юқори самарадор технологик жараёнларини ишлаб чиқиш юқори даражада муҳимлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу соҳада, айниқса Ангрен ва Шоргун қўнғир кўмирлари асосида сорбцион-ион алмашувчи материаллар яратиш катта қизиқиш уйғотади.

Янги сорбцион-ион алмашиш материалларини танлаш ва таҳлил қилишга қаратилган мақсадли муаммоларни ечиш ҳам иқтисодий, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш томонидан ниҳоятда муҳимдир.

Иккиламчи хомашё захираси ҳисобига (айниқса, қаттиқ чиқиндилар) целлюлоза тутувчи сорбентлар яратиш учун иккиламчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш масаласига комплекс ёндашув сорбцион материаллар яратиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Олиб борилган таҳлиллар асосида тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг “**Хом ашё ресурслари ва сорбентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш**” деб номланган иккинчи боби тадқиқот ишларини олиб боришда қўлланиладиган хомашё ресурслари ва сорбентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган.

1-жадвал

**КПТ нинг минерал таркиби ва алмашувчан ҳажми
(мг-экв/100 г тупроқга нисбатан)**


Тупроқнинг минерал таркиби	НСО ₃ ⁻	Са ²⁺	Мg ²⁺	Na ⁺	К ⁺	Умумий алмаши- ниш ҳажми
ММТ, палигорскит, гидрослюда, кварц, кристобалит	-	2,37	12,38	60,0	0,74	75,49
ММТ, палигорскит, гидрослюда, кварц	0,50	10,0	20,50	31,3	0,85	54,34
ММТ, палигорскит, гидрослюда	0,63	11,0	18,50	23,3	0,91	63,15
ММТ, палигорскит, гидрослюда, кварц, кристобалит	0,75	6,50	12,50	23,2	0,66	43,61
ММТ, палигорскит, кварц	0,50	11,0	25,50	2,60	1,46	41,06
ММТ, палигорскит, гидрослюда, кальцит	1,00	9,00	7,00	4,25	0,91	22,16
Палигорскит, кальцит, ММТ	2,00	5,70	11,40	13,6	0,50	33,20
ММТ, палигорскит, кальцит	1,00	6,50	10,54	14,4	0,80	33,24
ММТ, палигорскит, гидрослюда, кварц	0,75	11,6	18,60	24,7	0,70	56,35

КПТ таркибига монтмориллонит (ММТ), палигорскит, кальцит ва гидрослюдалар киради. Тупроқли минералларнинг ягона структурали элементи иккита зич қадоқланган кислород атомлари ёки гидроксил гуруҳларининг қатламларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг орасида октаэдрик координацияда Al, Fe и Mg атомлари жойлашган. Бу атомлар кислород ёки гидроксил гуруҳларидан тенг масофадаги узоқликда жойлашган. Бундан ташқари, кремнийкислород тетраэдрлар структураси мавжудлиги кузатилади. Гиллар Si₄O₆(OH)₄ қатламини ҳосил қилувчи ва чексиз такрорланувчи гексагонал

тўрлар шаклида жойлашган. КПТ минералларидаги бузилган боғ минерал таркиб бўйича, сўзсиз ион алмашувчи ҳажм ҳосил бўлиш сабабларидан бири ҳисобланади (1-жадвал). КПТ юқори ион алмашиш ҳажмига эга бўлиб, уни ҳар хил суюқликларни ҳаёт учун ҳавфли бўлган қўшимчалардан ва ионлардан тозалаш учун тавсия қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида КПТга нисбатан ион алмашиш механизмига тегишли бўлган ҳолатлар сувни зарарли қўшимчалар, захарли компонентлар ва радиоизотоплардан тозалаш жараёнида сорбцион қобилияти ва ғоваклик кўрсаткичларини баён қилишда равшанлашади. Ион алмашиш жараёнида асосан Ca^{2+} , Mg^{2+} , H^+ , Na^+ , K^+ катионлари қатнашади. Дастлабки КПТ оч кулранг бўлиб, қуритилаётган пайтда оқариб қолади, гипсланмайди ва шунинг учун коллоидаллик даражаси 31% ни ташкил этади.

Кремнеземнинг молекуляр оғирлигининг уч валентли метал оксидлари умумий молекуляр оғирлигига нисбати КПТда 4,5 дан 7,6% гача бўлиши тасдиқланди. КПТ асосида сорбентлар олиш мақсадида яратиладиган технологияда намуна кислотали ишлов беришдан олдин шарли тегирмонда 0,25-0,5 мм фракцияли майдаликда янчилиб, кейин эса кислота билан 90°C да 2 соат давомида аралаштирилиб ишлов берилди. КПТ намуналари дистилланган сувда нейтрал реакциягача ювилиб, 0,25-0,5 мм ўлчамгача бўлган заррачалар шаклига келтирилди. Намуналар 110°C да 4 соат давомидаги қуритишдан кейин 350°C да 3 соат давомида термик ишловга берилди ва керакли майдалик даражасигача майдаланди.



1-расм. Навбахор кони КПТ дифрактограммаси


Дастлабки КПТнинг ўтказилган рентгенструктурали тадқиқотлари 10,4-10,5; 6,35; 5,42; 3,83; 3,67 Å ва ММТ эса 12,0; 4,49; 3,19 Å рефлекслари билан тавсифланади (1-расм). Таркибидаги кальций миқдори 10% дан кам бўлган хомашё 3,02; 2,49; 2,09; 1,91; 1,87 Å базал рефлекслар билан аниқ белгиланиб туради. Агарда жинсда карбонат минерали ортиб борса, бир вақтни ўзида палигорскитнинг ҳам миқдори ортиб боради.

Янги турдаги сорбентлар рентгенструктурали таҳлили кучли кислота ва термик фаоллаштириш билан олиб борилган модификация жараёнида палигорскит кристал структурасининг қисман бузилиши содир бўлишини кўрсатади ва натижада унинг рентгенли дифрактограммасининг базалли акси қисман билиниб қолади. Бундан ташқари, дастлабки тузлар ва улар асосидаги маҳсулотлардан фарқли мос равишдаги дифрактограммаларга тегишли

бўлган янги кристал структуралар ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи кальций карбонатнинг қисман декарбонизацияси кузатилди.

Сорбентларни олишида ундаги структуравий ўзгаришлар содир бўлиши, яъни КПТни фосфор кислотаси билан ишлов берганда $3519-3100\text{ см}^{-1}$ да аниқланган частоталар сув ва фосфор кислотасининг О-Н боғи валент тебранишига мос келиши ИҚ-спектроскопик усуллар ёрдамида кўрсатилди (2-расм).

$1500-1200\text{ см}^{-1}$ оралиғида топилган чизиклар фосфор кислотасининг $\text{P}=\text{O}$ боғли валент тебранишига тўғри келади. ИҚ-спектрининг $1638-1640\text{ см}^{-1}$ да кузатилган частоталар сув молекуласи ва фосфор кислотасининг гидроксил гуруҳи О-Н боғининг деформацион тебранишларига тегишли деб ҳисоблаш мумкин. $1100-850\text{ см}^{-1}$ да топилган частоталар фосфор кислотасининг О-Р-О боғи валентли тебранишларига тўғри келади. $650-400\text{ см}^{-1}$ да кузатилиб келинаётган частоталар О-Р-О боғи деформацион тебранишларига келади ва, ниҳоят, $1050\text{-}^{\text{v}3}$, $800\text{-}^{\text{v}1}$, $625\text{-}^{\text{v}4}$ ва $500\text{-}^{\text{v}2}\text{ см}^{-1}$ спектрларга мос келувчи частоталар кремний оксиди $[\text{SiO}_4]^{4-}$ валент тебранишларини тавсифлайди.



1 –дастлабки КПТ; 2 – 10%-ли H_3PO_4 билан ишлов берилган КПТ;
3 – 5%-ли H_3PO_4 билан ишлов берилган КПТ.

2-расм. Дастлабки ва ишлов берилган КПТ нинг ИҚ-спектрлари

Шундай қилиб, ИҚ-спектр тадқиқот натижалари асосида КПТни 5% ва 10% кучсиз кислота билан ишлов бериш структурага сезиларли таъсир этиши билан кремний ва палигорскит миқдори ортганлиги маълум бўлди. ИҚ-спектроскопик, рентгенографик ва бошқа физик-кимёвий тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, кислоталар таъсирида фаоллашадиган намунадан метал ва сув ионлари ажралиб чиқиши ва йирикроқ ўлчамдаги молекулалар кириб жойлашиши учун катта ўлчамдаги ғоваклар ҳосил бўлади.

КПТнинг термик тавсифларини тадқиқ қилишда намуналарни дифференциал-термик таҳлил (ДТТ) эгри чизикда эндотермик чўкки тафсилотлари фаркланиб турибди. Ҳарорат 900°C гача кўтарилишида $830-880^\circ\text{C}$ ҳароратдаги эндотермик чўкки карбонат минералларининг диссоцияланиши

ва CO₂ ажралиб чиқиши билан боғлиқдир. Масса йўқотилиши (TG) кўрсатилган оралиғда 30% га етади. Таъкидлаш жоизки, буғнинг сорбцияланиш даражасига ички фаол юза (кимёвий ва геометрик жиҳатдан бир жинсли бўлмаган, яъни S_{col} катталик, сорбент ғовакининг ўлчами ва хоссаси) сезиларли таъсир кўрсатади. 2-жадвалда 1- ва 2-намуналар сув буғларини 293°K да сорбцияланиш изотермаларини таққосланган натижалари келтирилган.

2-жадвал

Сорбентларнинг ютиш хоссалари

Сорбентлар	Моноқатлам ҳажми, моль/кг	Солиштирма юза, м ² /кг	Чегаравий ютилиш, моль/кг	Чегаравий ютилиш ҳажми, м ³ /кг
1	4,81	319	20,2	0,364
2	0,51	134	8,11	0,146

1-намуна КПТни сульфат кислота эритмаси билан ишлов беришда олинган бўлса, 2-намуна эса КПТни дистилланган сув билан ювиб, кейин 350°С ҳароратда 3 соат давомида термик ишлов қилиб олинган.

Тажриба олиб боришнинг биринчи варианты бўйича (1-намуна) сорбентнинг қисман мезо- ғоваклар ошиб боришига ва сув буғлари ютилиши (Q , моль/кг) ортиб боришига олиб келувчи оксидларнинг қисман эриши содир бўлади. Изотермаларда энг кам нисбий босимга (P/P_s) борадиган гистерезис тугунаклари пайдо бўлади. Нисбий босим 0,9 дан катта бўлганда сорбент заррачаларининг сув билан яхши намланиши сабаб сорбцион ва десорбцион эгри чизиқлар мос келади.

3-жадвал

КПТ асосидаги сорбентларнинг физик-кимёвий, механикавий ва технологик хоссалари

Намуналар	Янчилишга бўлган механик мустаҳкамлик, кПа	Ютилувчанлик, масс.%		Сувдан уранни ушлаб қолиши, %	Тайёр маҳсулотнинг чиқиш унуми, %	Солиштирма юза, м ² /г
		Сув	Мой			
1	3,86	230,6	202,0	98,9	92	134
2	3,20	233,8	205,2	99,2	88	319

КПТни қиздиришда (термик ишлов беришда) мезо- ва микроғоваклар намликдан ҳоли бўлади. Натижада намуна ҳар хил ноорганик модда молекулаларини ютиш хоссасини номоён қилади. Тажриба йўли билан аниқландики, КПТни 400°С гача қиздиришда унинг цеолит каналлари микроструктуралар сезиларли ўзгариши сабаб қисқаради ва КПТни якуний босқичдаги структурасининг шаклланиши 450-500°С да тугайди. P/P_s нинг барча оралиқларида сувнинг 1-намунадаги ютилиши 2-намунадагига нисбатан сезиларли юқори бўлиши аниқланди. 1-намунанинг солиштирма юзаси 2-намунанинг солиштирма юзасидан 3,4 марта катта бўлиб, чегаравий ютилиш ҳажми V_s , эса мос равишда 2,5 марта юқоридир. Кўрсатиш жоизки, КПТ асосидаги сорбент намуналарнинг таъкидлаб ўтилган кўрсаткичлардан ташқари қуйидаги

физик-кимёвий, механикавий ва бошқа хоссалар ҳам мавжуд (3-жад.): янчишга бўлган механикавий мустаҳкамлик 3,86 кПа ва 3,20 кПа; солиштирма юза мос равишда 319 ва 134 м²/г; сув бўйича ютилувчанлик 230,6 ва 233,8 масс.%; мой бўйича ютилувчанлик 202,0 ва 205,2 масс.%; сувдан уранни ушлаб қолиш қобилияти 98,9 ва 99,2% ҳамда маҳсулот чиқиш унуми 92 ва 88% га тенг.

КПТдан олинган сорбент намуналарининг сувни радиоактив ифлосланишдан тозалаш ЎзР ФА Ядро физикаси институтида, ерости саноат сувларини оғир, қимматбаҳо метал ионлари, шунингдек оқова сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш ишлари “Гидроингео институти” ДКда тажриба-саноат синовларида юқори савияда ўтказилди.

Ангрен кўмири асосида Ангрен фаолланган кўмир-1 (АФК-1) маркасидаги кўмир олинди (4-жад.).

ФКнинг Ангрен донадор ФК-2 (АДФК-2) ни олишнинг госсипол смоласи (ГС) ва кўнғир кўмирнинг аралашмасидан фойдаланиб, лаборатория шароитларида кўп маротаба синовдан ўтказилган технологияси ишлаб чиқилди.

4-жадвал

АФК-1 маркали ФК нинг физик-кимёвий тавсифлари

Кўрсаткичлар номи	АФК-1 учун меъёр
1. Ташқи кўриниш	Қора рангли майин кукн бўлиб, ташқаридаги қўшимчаларга эга эмас
2. Меласса бўйича сорбцион фаоллик, %, дан кам эмас	100
3. Метилен зангори кўки бўйича сорбцион фаоллик, мг/г, дан кам эмас	225
4. Кул миқдори, %,дан кам эмас	10
5. Намлик миқдори, %, дан кам эмас	10
6. Майдаланиш даражаси, доналар ўлчами: 0,1 мм гача, %	95
0,1 ммдан юқори, %	-
7. Сувда эрувчан кул миқдори, %, дан кам эмас	5
8. Fe ҳисобидаги темир бирикмасининг миқдори, %, дан кам эмас	0,2

Шунингдек, ФК учун ноанъанавий хомашёлар сифатида мевали дарахтлар (ўрик, бодом, ёнғоқ, шафтоли, олхўри ва бошқалар) данаклари, пўчоқлари қўлланилиши мумкин ва айни пайтда улар чиқиндига юборилмоқда.

ФК намуналарининг ғовак структураси шаклланиш жараёнига ҳарорат (300-900°С), вақт (0,5-3 соат) ва фаоллаштиргич (сув буғи) ларнинг таъсири ўрганилган. Тайёр маҳсулот чиқишини ортишига (30% гача) олиб келувчи карбонизация ва сув буғи билан фаоллаштиришнинг мақбул параметрлари ва бир вақтни ўзида микроғовак структура шакли ривожланиши топилган (солиштирма юза $S_{БЭТ}$ 900 м²/г гача).

Янги ФК намуналари физик-кимёвий хоссалари бўйича саноатда фойдаланилаётган (импорт) лар билан бир хил. 2003-2006 йилларда “BOSQON” МЧЖда ўрик, бодом, ёнғоқ данаги пўчоқлари, шунингдек ёғоч танаси асосида донатор ФК (ДФК-2) ва А русумдаги тозаловчи кукунсимон ФК (ФК-А) олиш учун тажриба-саноат ускунаси ишлаб чиқилган. ДФК-2 ва ФК-А олиш учун лойиҳадаги унумдорлик 50 т/йил ни ташкил этади.

5-жадвал

ДФК-2 маркали ФК нинг физик-кимёвий тавсифи

Кўрсаткичлар номи	Меъёр
1. Тақи кўриниш	Механик кўшимчаларсиз бўлган қора тусли зарра
1.Йод сони бўйича сорбцион фаоллик, %, дан кам эмас	34
2. Фракцион таркиб, %: қолдиқнинг тешикчалар диаметрининг ўлчамлари қуйидагича бўлган элакдаги масса улуши: № 3,6 мм, дан кам эмас № 2,8 мм, дан кам эмас № 1,5 мм, дан кам эмас № 1,0 мм, дан кам эмас паддонда, дан кам эмас	0,4 3,0 86,0 10,0 0,6
3. Сидирилишга бўлган мутаҳкамлик, %, дан кам эмас	96
4. Кулнинг масса улуши, %, дан кам эмас	6-8
5. Намликнинг масса улуши, %, дан кам эмас	10
6. Сувдаги ғовақларнинг умумий ҳажми, см ³ /г, дан кам эмас	0,8-1,4
7. Уюмли зичлик, %, не менее	белганмаган

Шунингдек, юқори механик мустаҳкамликка эга бўлган сорбцион қурилмада содалаштирилган жараён билан олинган Ангрен кўмири асосида фаолланган –ион алмашувчи донатор кўмир (сульфоқўмир) олиш усули ишлаб чиқилган. Бунда маҳсулот чиқиши ва олинган маҳсулотнинг сорбцион сиғими ҳамда механик мустаҳкамлиги ортиб борган.

6-жадвал

Сульфокўмирнинг физик-кимёвий тавсифлари

Кўрсаткичлар номи	Бирлик ўлчам	Меъёр
Маҳсулот синфи		
Донатор	мм	0,5-5
Техник таҳлил натижалари		
Умумий намлик	%	20-30
Статик алмашиш сиғими	мг-экв/г	2,4-3,0
Динамик алмашиш сиғими	г-экв/л	250-298
Механик хоссалар		
Уюмли зичлик	г/см ³	0,65-0,75
Янчишга бўлган мустаҳкамлик	МПа	2,95-3,50
Сидиришга бўлган мустаҳкамлик	%	89

Технологиянинг янгилиги 60°C да NaOH нинг 0,1 н эритмасида эриган боғловчи модда сифатидаги ГС нинг қўлланилишидан иборат. Ушбу техно-

логиянинг афзаллиги: жараёнлар қисқартирилган ва олинган сульфокўмирнинг алмашиш ҳажми мавжуд бўлган аналогларига нисбатан юқоридир.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатиб ўтилган параметрлар бўйича юқори механик мустаҳкамликка, яхши ион алмашиш хоссасига (2,4-3,0 мг-экв/г гача), эга ва замонавий стандарт талабларига жавоб бера оладиган сульфокўмирлар олинган (6-жад.).

Сульфокўмир оқава сувларни ишқорий ва оғир металллардан, шунингдек радиоактив элементлардан тозалашда юқори самарадорликка эга. Сульфокўмирнинг қўлланилиш соҳаси: а) марказий иссиқликхоналар; б) “Ўз ЭНЕРГОТаъмирлаш” АЖ; в) корхоналарнинг тозалаш иншоотлари.

Сульфокўмрдан фойдаланишда кутилаётган натижалар: а) марказий иссиқхон қозонхоналарида сувларни сифатли тозалашни таъминлайди; б) техник сувни санитар меъёрларга жавоб берадиган даражада тозалигини яхшилади; в) 1 тонна сульфокўмрдан фойдаланишдаги иқтисодий самарадорлик 2 млн. сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, Ангрен, Бойсун ва Шоргун кўмирлари асосида сорбентлар ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эгадир. Уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чет элдан қиммат нарҳда олиб келтирилаётган сорбентлардан воз кечишга имкон беради.

Ҳозирги пайтда кўпгина экологик муаммоларни бартараф этишда табиий целлюлоза асосида олинган ион алмашиш сорбентлари самарали фойдаланилиб келинмоқда. Барча турдаги ўсимлик хомашёлари таркибидаги -полиангидро- β -D-глюкоза (целлюлоза) асосида олинган кимёвий воситалар катта қизиқиш уйғотмоқда.


Целлюлоза тутувчи сорбентлар ишлаб чиқариш мақсадида шоли сомони, ўрик ва бодом данаклари пўчоғи, ёғоч қипиғи ва бошқалар олинди. Хомашё фаоллаштирилиши учун керакли майдаликкача туйилди ва яхшилаб аралаштирилган ҳолда NaOH нинг 1% ли эритмаси билан 90-100°C да 30 дақиқа давомида ишлов берилди. Филтрлаш жараёнидан кейин намуналар аралашмаси иссиқ дистилланган сув билан нейтрал реакциягача ювилиб, 105°C да 1 соат давомида қуритилди ва совутилди. Целлюлозанинг кўп миқдори ўрик данаги пўчоғидан (42,5%), бодом данаги пўчоғидан (41%), ёғоч қипиғидан (32,1%), пахта толаси чиқиндисидан (95,6%) ва шоли сомонидан (27,9%) олинган намуналарда учради. Лигниннинг энг юқори миқдори бодом данаги чиқиндисидан 31,5%, ўрикда 29,9%, ёғоч қипиғида 21,2% ва шоли сомонида 20,1%, ва энг кам лигнин миқдори (0,12%) пахта толасида аниқланди. Тадқиқотлар юқорида келтирилган намуналарда осон гидролизланадиган моддалар борлигини кўрсатди.

Ўсимликларнинг ҳар хил турлари асосан бир хил бош компонентлардан ташкил топади. Ўсимликларнинг кимёвий таркибини билган ҳолда уни технологик мақсадларда қўллашга яроқлиги тўғрисида баҳо бериш мумкин.

Сорбентлар ишлаб чиқаришда шоли қипиғидан 80-82% целлюлоза олиш учун натрий ишқорининг 3% ли эритмасидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижалари намуналарни лигниндан тозалашда асосий ролни ҳарорат ўйнашини кўрсатди: 80-90°C ҳароратда целлюлоза чиқиши 65-75%

дан ортмайди. Агарда лигниндан тозалаш жараёни 100-105°C да 1 соат давомида олиб борилса, целлюлозанинг чиқиш унуми 80-82% гача ортади (3-расм). Шоли қипиғидан ўрнатилган параметрлардаги целлюлозанинг чиқишини вақт омилига боғлиқлигини аниқлаш лигниндан тозалаш жараёнининг 2-3 соатдан ортиб бориши целлюлозанинг чиқишига сезиларли таъсир этмаслиги кўрсатди.



3-расм. Шоли қипиғидан целлюлоза чиқиш унумининг (В, %) натрий ишқори концентрациясига (С, %) ва ҳароратларга боғлиқлиги: 1-80°C; 2- 90°C; 3- 100°C

Олинган ҳар хил целлюлоза намуналари карбамид иштирокида фосфор кислотаси билан кимёвий таъсир эттирилиб, (этерификация реакцияси) юқори сорбцион-ион алмашиш хоссасига эга бўлган ЦФЭ олинди.

Шоли қипиғи асосида олинган ЦФЭ майдалик даражасига боғлиқ бўлиб (7-жад.), заррачалар қанчалик кичик номинал ўлчамга эга бўлса, сорбентнинг ион алмашиш сиғими ҳам шунча юқори бўлади. Ўлчамлари 1,0 мм қилиб танлаб олинган намуналар этерификация реакцияси ҳароратининг 80°C дан ортиб бориши катион алмашиш сиғимига таъсир этмайди.

Шоли қипиғидан целлюлозани этерификация қилиб олиш учун фосфор кислотасини қўллаш сорбентнинг ион алмашиш хоссаларини яхшилашда сезиларли таъсир этишига имкон беради.

7-жадвал

ЦФЭ олиш жараёни ва ҳар хил майдалик даражасига эга бўлган ион алмашувчи сорбентларнинг статик алмашиш сиғими параметрлари

Целлюлоза – этерификацияловчи аралашма нисбати, г/г	Этерификация ҳарорати, °С	Заррачалар- нинг номинал ўлчами, мм	Фосфор (Р) миқдори, масс. %	Статик алмашиш сиғими 0,1н NaOH бўйича, мг-экв/г
Дастлабки қипиқ	-	1,0	0,02	-
2,9 - 1	80	0,1	13,8	9,0
2,8 - 1	80	0,16	13,0	8,8
2,7 - 1	80	0,25	12,3	8,5
2,5 - 1	80	0,315	11,8	8,2
2,4 - 1	80	1,0	11,5	8,0

Шундай қилиб, кислота қолдиқларига нисбатан целлюлоза гидроксил гуруҳи водородини алмашиш даражасини ўзгартирмай туриб эфир гуруҳи занжирларининг узунликларини ўзгартириш мумкин. Бунда ион алмашиш


реакциясида қатнаша оладиган протонлар миқдорининг ортиб бориши ион алмашишнинг сорбцион сиғими ҳажмининг катталашшига олиб келади. Реакция олиб бориш шароитига (шимдирувчи ванна таркиби, ҳарорат ва термик ишлов бериш вақти), шунингдек дастлабки хомашё (целлюлоза тури ва майдалик даражаси) боғлиқ равишда таркибида 3,2-11,5% фосфор ва ион алмашиш сиғими 8 мг-экв/г дан катта бўлган материал олиш мумкин.

Таҷрибалар карбамид иштирокида фосфор кислотасини қўллаб ишлов бериш вақтини 30 дақиқагача оширишда, намунада боғланган фосфор миқдори ортиб боришини кўрсатди, яъни этерификация даражаси ортиши билан эфир гуруҳидаги фосфорнинг конденсация даражаси ортиши кузатилади.

ЦФЭ таркибида фосфор 11,5-15,4% оралиғида бўлиб, намуналарнинг статик алмашиш сиғими 3,7-12 мг-экв/г оралиғида, динамик алмашиш сиғими эса 290-300 г-экв/л да бўлиши аниқланди.

Дастлабки шоли сомони, ўрик данаги пўчоғи, ёғоч кипиғи ва улар асосидаги ЦФЭ сорбентлари рентген дифрактограммалари 5,75; 5,6; 4,35; 4,01; 3,1; 2,85 Å да аниқ кўриниб турувчи кристал шакллар билан тавсифланади. Бу эса ЦФЭ микроструктураси аниқ тўғри тартибланган даражага эга эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, хомашёларни NaOH эритмасида ишлаб, карбамид иштирокида фосфор кислотаси билан этерификациялаш, структура элементларини қайта тартиблашуви ва целлюлоза макромолекулаларининг тўғри тартиблашуви даражаси камайишига олиб келади. Олинган маълумотлар намли иссиқлик ишлов бериш ўсимлик целлюлозаси структурасини юқори даражада ғовакланишини тасдиқлайди. Рентгенография усулида олиб борилган тадқиқотлар аналитик усулда олинган натижаларни тўлиқ тасдиқлайди. Ўсимлик целлюлозаси асосида олинган сорбентларнинг термохимёвий хоссалари муҳим рол ўйнаб, бу тадқиқ қилинаётган сорбентларнинг эксплуатацион хоссаларини ҳар хил ҳароратларда баҳолашга имкон беради. Комплекс термохимёвий тадқиқот –дифференциал термик (ДТТ) ва термогравиметрик (ТГ) таҳлиллар натижалари намуналарни тўлиқ тавсифини беради. Шундай қилиб, кимёвий структура ва термик хоссаларни ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар олинган ион алмашувчи сорбентларнинг фосфорни киритиш ва ЦФЭ ҳосил бўлиши ҳисобига оловга чидамли хоссаси мавжудлиги ҳақида хулоса қилади. ЦФЭ синтетик ион алмашувчи сорбцион материаллар билан таққосланганда бир қатор афзалликларга эга: юқори шаклланган фаол юзага, яроқли функционал гуруҳларга, ион алмашишга ва сорбциялаш юқори тезлигига эга эканлиги билан атроф-муҳит мониторингида мақсадли фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Целлюлоза ва фосфор кислотаси орасидаги кимёвий реакция тенгламасини куйидагича тасвирлаш мумкин:



-полиангидро-β-D-глюкоза целлюлозасидаги элементар звенода учта гидроксил гуруҳлар бор, шунинг учун реакция тугаши OH- гуруҳи алмашиши миқдори билан тавсифланади. Шундай кўрсаткичларидан бири *m* гидроксил гуруҳларнинг битта элементар звенода алмашиш даражаси ҳисобланади. Шубҳасиз *m* 0 дан 3 гача ўзгариши мумкин. Аммо айрим ҳолатларда реакция

шароитига боғлиқ битта гидроксил гуруҳининг алмашиши содир бўлади. Шунинг учун қулайлик тариқасида этерификация даражаси тушунчасидан фойдаланиш қабул қилинган. Этерификация даражаси деб гидроксил гуруҳининг 100 -полиангидро- β -D-глюкозидли қолдиқ бўйича алмашиш сонига айтилади. Шу сабаб, γ -0 дан 300 гача ўзгаради, яъни алмашиш даражаси қанчалик катта бўлса, сорбентнинг алмашиш сиғими шунча юқори бўлади.

Ион алмашувчи материалларни микроғоваклигини суюқликларни буғини ютиши усули билан баҳолаш мумкин. Бошланғич майдаланган ўрикбодом пўчоқлари, шоли поҳоли, дарахт қипиғи ва улар асосидаги катионитларни сув буғини ютиши бўйича натижалар олинган (8-жад.). Целлюлозали материаллар билан суюқлик буғлари таъсирлашаганда аниқловчи фактор сорбция ҳисобланади, яъни целлюлоза хажми бўйича буғларни ютилиши.

8-жадвал

25°C да сув буғларини ютилиши ва сорбентларни сорбцион хоссалари

Намуналар	Сорбцион хусусияти, X_m , г/г	Солишитирма юза, $S_{уд}$, м ² /г	Ғовакларни суммар хажми, W_0 , см ³ /г	Ғовак радиуси, r_k , Å
Ўрик пўчоғи (бошл.)	0,0188	66,082	0,100	30,2
Ўрик пўчоғи (ЦФЭ)	0,0222	78,114	0,125	32,0
Бодом пўчоғи (бошл.)	0,0205	72,068	0,150	41,6
Бодом пўчоғи (ЦФЭ)	0,0189	66,560	0,103	30,9
Шоли поҳоли (бошл.)	0,0137	48,135	0,190	78,9
Шоли поҳоли (ЦФЭ)	0,0095	33,425	0,320	191,4
Дарахт қипиғи (бошл.)	0,0171	60,106	0,096	31,9
Дарахт қипиғи (ЦФЭ)	0,0028	9,97	0,480	962,8

Кўринадикки, барча олинган целлюлозали материаллар турли даражада сув буғини ютиш қобилиятига эга. Бошланғич целлюлоза ва унинг асосидаги эфирларининг сув буғини ютиш изотермалари деярли ўхшаш. Агарда, ушбу сорбент намуналарни қайси бирида гидроксил гуруҳлари бўлса, водород боғи орқали боғланиш сорбентга таъсир қилиб, сорбат-сорбент таъсирлашиши кучайиб боради. Кўринишича бу итарилиш кучларини миқдори ортишига олиб келади ва намуналар сорбция изотермаси II-типга мансуб ҳисобланади. Намуналарнинг тўйиниши сорбентни барча юзаси бандлигини кўрсатмай, унинг микроғоваклари тўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, иккинчи бобда Нурота кони КПТ, Ангрен кўмири ва целлюлоза тутувчи ўсимлик хомашёси асосидаги целлюлозадан ташкил топган сорбентларни синтези, уларнинг физик-кимёвий, сорбцион-ион алмашиш хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари келтирилган.

Диссертация ишининг **“Табиий ва иккиламчи маҳаллий хомашё ресурслари асосида юқори самарадор сорбентлар олиш технологияси”** деб номланган учинчи бобида оқова сувларни тозалаш учун КПТ, целлюлоза тутувчи чиқиндилар, ҳамда ЦФЭ ва ПАН асосидаги полиамфолит сорбентлар олишдаги тадқиқот натижалари, ҳамда уларни шлаб чиқишга оид технологиялар яратилган.

Кимёвий ишлов беришдан кейин КПТ (КПТ:сув ёки кислота эритмаси 1:3,5-4,0 нисбатда) 30 дақиқа тиндирилади, ундан кейин сув тўкиб юборилади ва 30-35% намликдаги пастасимон масса филерали шнек-прессловчи механизмга узатилади. Цилиндрик кўринишдаги 8-10 мм диаметрли паста қуритиш аппаратида 100-105°C да 60-65 дақиқа давомида қуритилади.

9-жадвал

Сорбентнинг физик-кимёвий тавсифлари

Кўрсаткилар номи	Меъёрлар
1. Ташқи кўриниш, ранг	Оч жигаррангдаги доначалар
2. Ҳид	Ҳидсиз
3. Майдалиқ даражаси: масса улуши, % (мм);	
масса улуши %, 0,25 мм	30
масса улуши %, 0,315 мм	30
масса улуши %, 0,5 мм	20
масса улуши %, 1,0 мм	10
масса улуши %, 1,5 мм	9,5
масса улуши %, 2,0 мм	0,5
4. Сорбентнинг сувда эримайдиган қисмининг масса улуши, %.	100
5. Уюрмавий оғирлик, г/см ³	0,54-0,56

Массанинг термик фаоллашуви трубкали печда 850°C да 6-7 дақиқа давомида ўтказилади. Сўнгра майдаланади ва элакдан ўтказилиб, майда фракция (0,25 мм дан кичик) алоҳида олиниб, сувни нефть маҳсулотларидан коагуляцияли тозалаш учун тайёр маҳсулот сифатида фойдаланилади. Тайёр маҳсулот махсус полиэтилен копларга қадоқланади (9-жад.).

Ишлаб чиқариш аналитик назорати маҳсулот сифатининг муҳим критерийлари бўйича олиб борилади, яъни фракцион таркиб ва ҳажмий масса бўйича. Яратилган технология КПТ асосида оқава сувларни тозалашда, шунингдек қазиб олинаётган дастлабки нефть ва нефть маҳсулотларини ҳамда газоконденсатларни механик қўшимчалардан ва сувдан таркибни турғунлаштириш мақсадида сорбентлар ишлаб чиқаришга имкон беради. Сорбентларда оқава сувлардаги қўшимчаларни ютиши, шунингдек, сувни тозалаш пайтида радиоактив элементларни сорбциялаш қобилияти аниқланган.

ЦФК синтезининг асосий технологик босқичлари: реакторга хомашё ва реагент тайёрлаш, дисперс массани фаоллаштириш ва филтрлаш, фаоллашган массани ювиш, қуритиш, фаолланган ва қуриган хомашёни ҳамда этерификацияловчи реагентларни реакторга юклаш, дисперс массани ортиқча этерификация аралашмаларидан филтрлаш, этерификация натижасида олинган ЦФКни ювиш, филтрлаш, уни кондицион массагача қуритиш ва тайёр маҳсулотни қадоқлаш.

Майдаланган целлюлоза 15% ли натрий ишқори билан (ванна модули 1:10) фаоллаштирувчи аппаратда 90-105°C да 2 соат давомида аралаштириб турилади. Кейин аралашма нейтралланади, филтрланади ва олинган масса 100-105°C да 1 соат давомида қуритилади этерификацияловчи реакторда, этерификацияловчи реагент билан 25-45°C да 30 дақиқа давомида аралашти-

рилади. Реактордаги целлюлоза:этерификацион аралашма нисбати 1:3 га тенг бўлиши талаб этилади. Этерификация жараёнидан кейин аралашма филтрлаш ускунасида ажратилади. Целлюлозали масса этерификацияловчи аппаратга жараён $80\pm 5^\circ\text{C}$ да 30 ± 5 дақиқа давомида бориши учун узатилади.


Ишлаб чиқаришнинг аналитик таҳлили маҳсулот сифат кўрсаткичлари: -статик алмашиш сифими, мг-экв/г; динамик алмашиш сифимининг регенир- ланадиган модданинг ўрнатилган сарфи, мг-моль/л; донадор таркиби, %; - сувнинг масса улуши бўйича олиб борилади.

Шундай қилиб, ўзида полидисперс материални: ташқи кўриниши - доналар ранги оч жигарранг; алмашиш сифими - 8,0-11,5 мг-экв/г; -дисперс даражаси - 0,5 дан 1,25 мм гача - 65%; 1,25-10 мм дан юқори - 25%; -0,5 мм дан юқори бўлмаган 10%; - 0,7 мм дан юқори -10-15%; - 0,25 мм дан кам -5% дан кўп эмас; -зичлик $-1,285 \text{ г/см}^3$; -бўкиш -239-275%, намоён қилган шולי қипиғи асосида юқори алмашиш сифимига эга ЦФК маркали сорбцион-ионалмашувчи олишнинг янги технология ишлаб чиқилган. Олинган ЦФК ерости ва саноат оқава сувларини радиоактив элементлардан, оғир метал ионларидан ва захарли компонентлардан тозалаш учун мўлжалланган.

ЦФКни олишнинг этерификация жараёни шароитини мақбуллаш учун тажрибада Бокс-Уильсон математик режалаштириш усули қўлланилди. Шу мақсадда олинган тажриба натижалари асосида этерификация жараёнига таъсир қилувчи асосий омиллар топилган. Бунда қурилмада ҳар хил омиллар ўзгаришидан содир бўлувчи жараённинг айрим қонуниятлари аниқланган. Қурилманинг ишлаш принципи саноат технологиясига мос келган ва этерификация даражасини максимал таъминлаб берадиган шароитлар: фосфор икслотаси -28 масс.%, карбамид -42 масс.%, сув -30 масс.% (этерификация- ловчи аралашманинг умумий массасидга нисбатан) топилган. Этерификацияловчи аралашма ва целлюлоза нисбати (ванна модули) 3:1.

Сорбцион материалларни яратишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳар хил кимёвий структурали ва хоссали юқори молекуляр бирикмалар олиш ҳамда макромолекулаларда кимёвий ўзгаришлар ҳисобланади. ПАН асосидаги полимерлар алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қилиб, нитрил гуруҳларнинг полиминералогик ўзгаришлари сорбцион-ион алмашувчи материалларни олиш учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, хлорид кислота билан нейтралланган гидроксилламиндан оксим гуруҳлар пайдо бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, макромолекулада карбамид гуруҳларининг ҳам ҳосил бўлиши имконияти бундан мустасно эмас. Шундай қилиб, оксимланиш натижасида мураккаб тузилишли сополимер ҳосил бўлади:




Молекулалараро боғларнинг циклланиши ва қўлланилиши юқоридаги схема бўйича полимер тўрлар пайдо бўлишига ёрдам беради:

ЦФК кўринишидаги сорбентлар, шубҳасиз, иккинчи компонент сифатида ПАНнинг модификацияланган анион алмашувчи циклли полимер тўрнинг таркибига киритилиши мумкин. Таркибни ўзгартирган ҳолда макромолекуладаги функционал гуруҳларни миқдори ва структурасини ростлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, шоли сомони, ёғоч қипиғи, бодом, ўрик ва ёнғоқ данаги пўчоғи асосида олинган ЦФК намуналари ёрдамида, ҳақиқатан, юқори самарадор полиамфолитли сорбцион-ион алмашувчи материални яратиш мумкин. Полиамфолит олиш сополимернинг 12% ли эритмасидан (ПАН 92,5%; метакрилат 6,0%; итакон кислота 1,5%) –компонент-1 ва ЦФК–компонент-2 дан (1 ва 2-компонентларнинг ҳар хил нисбатларда) ташкил топган аралашмани натрий роданитнинг 51,5% ли сувли эритмаси билан ишлов бериш ва гидроксиламиннинг нейтралланган эритмасида чўктириш билан амалга оширилади. Ишлов бериш жараёни 90-95°C да 15-20 дақиқа давомида, ванна модули 30-40 да олиб борилади. Олинган полиамфолитнинг алмашиш сиғими 0,1н NaOH бўйича 11,12 мг-экв/г ва 0,1н HCl бўйича -3,1 мг-экв/г га етади.

Олинган полиамфолитнинг ИҚ–спектрларида карбоксил гуруҳларга тегишли бўлган 1700 см⁻¹ ютилиш чизиқлари кузатилади. Бундан ташқари, карбоксилат гуруҳи ва –C=O мураккаб гуруҳ орасидаги ютилиш чизиғида яна бир –NH₂ гуруҳига тегишли 1655 см⁻¹ чизиқи пайдо бўлган. Ишлов бериш жараёни ҳароратига, эритмадаги гидроксиламин концентрациясига ва компонентлар нисбатига боғлиқ равишда ИҚ–спектрларда ҳар хил 2030 см⁻¹, 2220 см⁻¹ жадалликка эга ютилиш чизиқлари пайдо бўлади. Валент тебранишларнинг 3300-3500 см⁻¹ майдонида –NH₂ гуруҳининг симметрик ва антисимметрик тебранишларга, шунингдек оксим гуруҳининг гидроксилига тегишли ютилиш чизиқлари кузатилади.



4-расм. Сорбцион-ион алмашувчи полиамфолитнинг ИҚ–спектрлари

Шундай қилиб, гидроксиламинни таъсирлаштириш жараёнидаги нитрил гуруҳлар реакциясининг асосий йўналишидан бири оксим ва карбамид гуруҳларнинг полимер субстратида ҳосил бўлиши тушунилади. Бунда ЦФК ва қайта ҳосил бўлган полиоксимлар орасидаги кимёвий боғларнинг ҳосил бўлиши ҳам мустасно эмас (4-расм).

Оксимланган ПАНда структурали элементларнинг қадокланиш даражасини баҳолашда зичликни тўғридан-тўғри билиш учун уларнинг сорбцион-ион алмашиш хоссалари аниқланди.

10-жадвал

Модификацияланган ПАН, целлюлоза, ЦФК ва полиамфолитларнинг $S_{\text{сол}}$ қиймати ва зичликлари

Алмашиш сиғими, мг-экв/г			$S_{\text{сол}}$ м ² /г	Зичлик, г/см ³
Модификацияланган ПАН	Ўсимликдан олинган целлюлоза	ЦФК:ПАН нисбати		
Дастлабки			35,7	1,1925
Модиф. -4,4			284,7	1,3417
Модиф. -5,2			222,1	1,4088
Модиф. -6,5			288,0	1,3985
	Дастлабки		212	1,3409
		Полиамфолит 1:1,1	112	1,1786
		Полиамфолит 1:0,1	186	1,2012
	ЦФК -8,0		112	1,2850

10-жадвалдан кўринадики, солиштирма юза қиймати ($S_{\text{сол}}$) ПАН, дастлабки целлюлоза, унинг асосидаги ЦФК ва полиамфолитларнинг алмашиш сиғими ортиши билан ортиб боради.

$S_{\text{сол}}$ нинг юқори қийматлари зоҳирий бўлади ва ПАНнинг алмашиш сиғими ортиши билан сув билан мойиллиги кўпайиб боради, яъни полимерли субстратнинг оксимланиши толани гидрофиллиги ошишига олиб келади. Натижада $S_{\text{сол}}$ нинг қиймати ортади. Зичликнинг қиймати кўпайиши ПАН структура элементларининг зич қадокланганлиги ҳақида дарак беради.

Диссертациянинг “**Оқава сувларни сорбцион тозалаш**” деб номланган тўртинчи бобида танланган корхоналар оқава сувларини янги сорбцион-ион алмашувчи материаллардан фойдаланиб тозалаш бўйича олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Маржонбулоқ олтин ажратиш фабрикаси (МОАФ) ва бошқа объектлар оқава сувларининг кимёвий анализи намуналарни Ag^+ , Cu^{+2} , Mo^{+6} , Au^{+3} , Cd^{+2} , Hg^{+2} , Al^{+3} , Be^{+2} ионларни ушлаб қолиш сорбцион қобилияти юқори эканлигини кўрсатди. Тозалаш даражаси мос равишда 99,9%, 99,5%, 98,5%, 96,2%, 77,6%, 60%, 44,7% ва 59,6% га эришилди. Олинган маълумотлар сорбентларнинг ҳар хил турдаги металлларга танлаб таъсир кўрсатиши ҳақида дарак беради. Компонентлар концентрацияси тозалаш жараёнидан кейин рухсат этилган меъёрий концентрацияга нисбатан паст бўлди.

Mo(VI) -, Ni(II) -ионларини полиамфолитлар ёрдамида ажратиб олишда рН га боғлиқ эканлиги аниқланди. Катион (0,1н NaOH бўйича алмашиш ҳажми 10,24 мг-экв/г) ва анион алмашувчи материал Ni(II) -ионлари учун бўлган алмашиш ҳажми 157,6 дан 314,5 мг-экв/г бўлиши билан тавсифланади. рН нинг 3,10 дан 3,35 гача ўзгаришида MoO_4^{2-} анионини ажратиб олишдаги статик алмашиш ҳажми анион алмашувчи намуналар учун рН 11 да -103,1 мг-экв/г ташкил этди. Полиамфолитнинг Na_2MoO_4 ва NiCl_2 нинг 0,1н эритмаларининг статик алмашиш ҳажми рН нинг ҳар хил қийматларига боғлиқ (11-жад.) монокатламнинг 20°C даги -1,83 ммоль/г сиғими, $S_{\text{сол}}$ -115 м²/г, сорбция

чегараси -20,6 моль/г ва сорбцион қатлам чегара қиймати -0,37 м³/кг ташкил этади.

11-жадвал

Маҳаллий сорбентлар ёрдамида NiCl эритмасидан Ni²⁺ катионларини ва MoO₄²⁻ анионларини ажратилиши ҳақида маълумотлар

Эритма рН	Алмашиш ҳажми, мг-экв/г			
	Катионли		Анионли	
	Na ⁺ бўйича	Ni ²⁺ бўйича	Cl ⁻ бўйича	MoO ₄ ²⁻ бўйича
3,1	11,1	84,5	-	-
	10,2	157,6	2,67	-
3,35	11,1	157,8	2,72	-
	10,2	314,5	-	-
7,0	0,45	-	11,6	85,6
11,0	2,65	-	9,0	103,2

Анион алмашиш хоссаларининг афзалликлари рН 11, катион алмашиш эса, рН 3,35 бўлишида алмашиш ҳажми рН қиймат ортиши билан сезиларли кўтарилиши аниқланди..

Тадқиқотлар NiCl₂ ва Na₂MoO₄ 0,1-0,2н суюлтирилган эритмаларидан Ni²⁺, MoO₄²⁻ катион ва анионларини ажратиб олиш, полиамфолитларни никель бўйича 150 мг-экв/г ва молибден бўйича эса, 100 мг-экв/г дан кўпроқни ташкил этишини кўрсатди.


Чоркесар кони сувларидан радионуклоидларни ажратиб олиш учун таркибида Н⁺ ва ОН⁻ шаклдаги турли нисбатдги ЦФК ва ПАН тутган полиамфолитлардан фойдаланилди. №5 намунасида фойдаланилганда уранининг ютилиш самарадорлиги юқорилиги маълум бўлди (12-жадвал).

12-жадвал

Чоркесар кони сувидан ажратиб олинган уран миқдорининг полиамфолит материалидаги компонентлар нисбатига боғлиқлиги


№	Сув ҳажми, мл	ЦФЭ:ПАН нисбати	Ион алмашувчилар шакли	Эритмадан ажратиб олинган уран миқдори, мкг/г	Эритмада қолган уран миқдори, г/л
1	50	1:0	ОН ⁻	117	0,00154
2	50	0:1	Н ⁺	113	0,000062
3	50	1:1	Н ⁻	71	0,000116
4	50	1:1	ОН ⁺	82	<0,00002
5	500	1:1	ОН ⁻	337	0,00192
6	500	1:1	Н ⁺	48	0,00214

Оқава сувларни нефть қолдиқларидан тозалашнинг сорбция жараёни, ион алмашиш ва кейинчалик чўктириш бўйича асосланиб ўтказилган комплекс тадқиқотлар КПТ ва ЦФК асосида тайёрланган модификацияланган сорбентларнинг оқава сувларни нефть қолдиқларидан тозалаш даражаси 98-99% дан кўпроқ эканлигини кўрсатди. Қўшимча тозалаш натижасида ҳар хил ионлар – сувни қаттиқлигини белгиловчи кальций ва магний катионларидан тозалаш мумкинлиги таъкидланди (5 ва 6-расм).



5-расм. Сувни нефтьдан тозалашда дастлабки сорбентларнинг сорбциялаш коэффициентининг дисперслик даражасига боғлиқлиги.

1- шולי сомони; 2- ўрик данаги пўчоғи; 3- бодом данаги пўчоғи; 4- ёғоч қипиғи; 5- дастлабки КПП.



6-расм. Сувни нефтьдан тозалашда модификацияланган сорбентларнинг сорбциялаш коэффициентининг дисперслик даражасига боғлиқлиги.

1- шולי сомони асосидаги ЦФК; 2- ўрик данаги асосидаги ЦФК; 3- бодом данаги асосидаги ЦФК; 4- ёғоч қипиғи асосидаги ЦФК; 5- модификацияланган КПП.

Ўсимликлар хом ашёси ва КПП асосида олинган сорбцион-ион алмашувчиларнинг нефть маҳсулотларини сорбциялаш кинетикаси бир неча сонияда мувозанатга келади ва бунда дастлабки намуналарнинг сорбциялаш коэффициенти (Ka) сорбентларнинг дисперслигининг ортиши билан ортади, сарф эса (г/100 мл) камаяди (5-расм).

ЦФК ва модификацияланган КПП намуналарини Ka кўрсаткичи икки баробарга ортади (6-расм).

Шундай қилиб, сорбцияловчи ион алмашувчи Ka кўрсаткичи, нафақат, фаоллатирувчи ишлов беришига, балки дастлабки материаллар майдалик даражасига ҳам боғлиқ.

“Муборак ГҚИЗ” УҚда оқова сувни нефтьдан икки босқичли усул ёрдамида тозалаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Заводнинг турли технологик жараёнларида ҳажми 1200 м³/сут оқова сув ҳосил бўлади. Тозалашда КПП асосидаги модификацияланган кукунсимон сорбент, кукунсимон АФК-1 маркали ФК ва донадор АФК-2 маркали ФКдан фойдаланилди.

Биринчи босқичдаги тажрибалар статик шароитда 2-6 г/л миқдордаги КПП ва АФК-1 асосидаги 1:1 нисбатдаги сорбент аралашмаларидан фойдаланиб ўтказилди. Иккинчи босқич динамик шароитда АФК-2 жойлаштирилган колонка юқори қисмдан пастки қисмга сув оқими юборилиб ўтказилди.

Тозаланган сув техник сув сифатида Давлат стандартига (ГОСТ) тўлиқ жавоб беради. Тажриба натижалари кейинчалик оқова сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш ва охиригача тозалаш жараёнларининг технологик режимларини ишлаб чиқиш учун фойдаланилди.

Тажриба натижалари КПП ва АФК-1 асосидаги сорбентлар композицияси оқова сувларни нефть ва нефть маҳсулотларидан самарали тозалашда,

тозалик даражаси 70-80% кўпроқ (1 л оқава сувга 2 г сорбент сарфланишида) эканлигидан дарак беради. Нефть маҳсулотларини сорбцияланиш қобилияти сезиларли ошди ва мувозанат бир неча секунд ичида келади. Охиригача тозалаш учун АФК-2 қўллаш билан тозалаш даражаси 97 дан 100% гача ортишига эришилди. АФК-2 самарадорлиги 6-8 ой ичида ижобий самара бериши аниқланди.

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Олинган натижаларни амалиётда қўллаш”** маҳаллий хом ашёлар асосида оқава сувларни нефтьдан, оғир метал ионларидан ва радиоактив элементлардан, шунингдек уларнинг изотопларидан тозалашда фойдаланиш мумкин бўлган сорбентлар келтирилган. Сорбцион-ион алмашувчиларни танлаш уларнинг сорбцион фаоллиги, ион алмашиш хоссалари, қулай регенерация қилиш қобилияти билан белгиланади. Оқава сувларни маҳаллий хом ашёлар асосидаги сорбцион технологиядан фойдаланиб тозалаш, ҳам экологик, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Диссертация ишининг олтинчи бобида **“Оқава сувларни тозалашда янги турдаги сорбентларни олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги”** янги маҳаллий сорбцион-ион алмашувчиларни оқава сувларни тозалашдаги қўллашининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган. 1 т бўлган Б русумли “Юнуратит-Бентонит” дан иқтисодий самарадорлик 5224490 сўм/йил. Оқава сувларни радиоактив ифлосланишдан тозалашга мўлжалланган 1 т ЦФКдан фойдаланишдан ҳисобланган иқтисодий самарадорлик йилига 9979800,6 сўмни ташкил этади.

Оқава сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш учун 1 т ФКдан фойдаланишдаги кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 4012830 сўмни ташкил этади.

“OBI RAVON QURILISH SAVDO” МЧЖда Ангрен қўнғир кўмири асосидаги АФК-2 русумли ФК ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Таклиф этилган АФК-2 техник сувни тозалашда қўлланиладиган импорт- GAC-830 русумли ФК ўрнига қўллашдан бўлган иқтисодий самарадорлик 176 млн. сўмни ташкил этади. Шундай қилиб, маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган сорбцион-ион алмашувчиларни импорт ўрнини боса олади.

ХУЛОСА

Мазкур “Оқава сувларни тозалаш учун маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарадор сорбентларни яратиш” мавзусидаги диссертация иши бўйича ўтказилган тадқиқотлар қуйидаги асосий илмий ва амалий натижаларни баён этиш имконини беради:

1. Табиий ресурсларни модификациялаш ва мақсадли фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш янги турдаги сорбцион-ион алмашувчи материаллар олинишини модификациялаш режимини назорат қилиб, зарурий сорбцион-структуравий хоссали материаллар олиш имкониятлари ва бунинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

2. Карбонатли палигорскит тупроғини кислота-термик, сув-термик фаоллаш билан оқава сувларни тозалаш учун янги сорбентлар олиш, дастлабки

материал мезоғовак структура хоссаси билан тавсифланади. Физик-кимёвий фаоллашбилан структурасида микробўшлиқлар ҳосил бўлишига олиб келиш, тупроқни кислота-термик модификациялаб кимёвий таркибидаги SiO_2 миқдори ўзгариши билан фаоллаштириб, 5 дақиқа давомида 850°C гача ҳароратни кўтарилиши ғовак структуралар ҳосил бўлишининг ортишига боғлиқ илмий-технологик асослари ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

3. Ангрен кўмири асосидаги сорбентларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун госсипол смоласидан фойдаланиб, илк бор газ ва суюқликлардан зарарли моддаларни сорбциялаш учун юқори мустаҳкамликка ҳамда сорбцион-ион алмашиш фаоллигига эга фаолланган кўмиларни ва сульфокўмир яратиш усуллари ишлаб чиқилди. Уларнинг физик-кимёвий, механикавий, сорбцион-ион алмашиш хоссаларини ҳамда импорт аналоглари ўрнини боса олишни ташкиллаштириш мақсадида углеродли сорбентларни ҳар хил органик бирикмалар билан модификациялашнинг истиқболлари фойдали хоссаларни ўзгаришига қаратилган назарий ва амалий асослар ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

4. Илк бор целлюлозанинг фосфорли эфири асосида физик-кимёвий, механик ($1,08-4,45 \text{ кгс/м}^2$) ва юқори ион алмашиш хоссаларга (10 мг-экв/г атрофида) эга бўлган янги катионалмашувчи сорбентлар яратилди. Дастлабки целлюлозанинг ажралишига таъсир қилувчи омиллар, сорбентнинг ион алмашиш ҳажмига реагент концентрацияси, ҳарорат, этерификациялаш вақти ва фосфор кислотаси миқдорининг таъсири аниқланди. Ион алмашувчиларни физик-кимёвий, сорбцион ва зичликларига оид олиб борилган тадқиқотлар уларни олиш технологиясини ишлаб чиқилишида асос сифатида хизмат қилади.

5. Полиакрилонитрилнинг модификацияланган анион алмашувчи циклик полимер тўри таркибига целлюлозанинг фосфорли эфирини киритиш ва полиамфолитлар синтезида содир бўладиган жараёнларни тадқиқ қилиш, макромолекулаларда уларнинг кимёвий ўзгаришлари турли кимёвий структурали ва ион алмашиш (0,1н NaOH бўйича 11,12 мг-экв/г ва 0,1н HCl бўйича 3,1 мг-экв/г) хоссаларига эга материалларни олишга тавсия этилади.

6. Модификацияланган сорбентларнинг зарарли қўшимчаларга нисбатан сорбцион-ион алмашиш танловчанлигини тадқиқ қилиш, функционал гуруҳларнинг ажратиш жараёнидаги табиий ролини белгилаб, оқава сувлардаги турли ионларни сорбциялашга ғовак структуранинг таъсирини асослаб беради.

7. Радиоактив элементларга ва оғир металллар ионлари (Mo, Cd, Hg бўйича тозалаш даражаси мос равишда 98,5; 77,6; 60% га эришилган, уранинг дастлаб сувдаги 1700 мкг/л миқдорига нисбатан тозалаш даражаси 98,4-98,9% га эришилган) сорбентларнинг ион алмашиш ва танловчанлик хоссалари аниқланиши билан уларни оқава сувлардан уран, оғир металл ионлари ва нефть маҳсулотларидан самарали тозалашда фойдаланиш тавсия этилади.

8. Статик ва динамик шароитларда маҳаллий ноорганик сорбент ва фаолланган кўмир-1 қўллаш билан оқава сувларни нефть маҳсулотларидан тозалаш технологиясининг икки босқичли сорбцион тозалашнинг янги

усулида ишлаб чиқилган.Тозалаб, тиндиришдаги биринчи босқичида сув нефть маҳсулотларидан деярли 80% га тозалашда сорбентларнинг сорбциялаш кинетикаси бир неча секунд ичида мувозанатга келиб, иккинчи босқичида Ангрен фаолланган кўмир-2 қўллашда сувнинг тозалиги 100% га етган ва ушбу сорбентлар иштирокидаги янги тозалаш технологик тизими саноатга тавсия этилади.

9. Кўмир, карбонатли палигорскит тупроғи ва целлюлоза асосидаги сорбцион-ион алмашувчилар оқова сувлар тозалигини меъёрий миқдорда таъминлаши, фойдали моддаларни ушлаб қолиши, объект атрофида экологик ҳолатни яхшиловчи илмий-амалий жиҳатлари ишлаб чиқилиб, оқова сувларни тозалашнинг янги технологияси таклиф этилиши, тозаланган сувдан қайта фойдаланиш билан тааллуқли технология самарасини оширишга хизмат қилади.

10. Таклиф этилганянги сорбентларни ишлаб чиқилган технологияларда қўллаб, тозалашдан келадиган иқтисодий самарадорлик тан-нарҳи бўйича: карбонатли палигорскит тупроғи асосидаги 1 т Б русумли “Юнуратит-Бентонит” йилига 5224490 сўмни; 1 т целлюлозанинг фосфорли катионитдан фойдаланиш йилига 9979800,6 сўмни; 1 т фаолланган кўмир-1 русумли фаолланган кўмирдан фойдаланиш йилига 4012830 сўмни; импорт GAC-830 ўрнини босувчи Ангрен фаолланган кўмир-2 дан фойдаланиб техник сувни тозалаш йилига 176 млн. сўмни тежаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ГП “ИНСТИТУТ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ”**

КУДРАТОВ АКМАЛЖОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**СОЗДАНИЕ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫХ СОРБЕНТОВ НА ОСНОВЕ
МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ ДЛЯ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД**

**11.00.05 –Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ХИМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.DSc/K57.

Диссертация выполнена в Государственное предприятие “Институт ГИДРОИНГЕО”.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-обозревателем портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный консультант:

Салимов Зокиржон Салимович

доктор технических наук, профессор, академик АН РУз

Официальные оппоненты:

Кулматов Рашид Анорович

доктор химических наук, профессор

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна

доктор химических наук, ведущий научный сотрудник

Кодиров Хасан Иргашевич

доктор технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится "2"марта 2019 года в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.28.03.2018.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Тошкент, Шайхантохурский район ул. Алишера Навоий. 32, Тел.: 8(+99871) 244-79-21, Факс: (+99871) 244-7917, e-mail:info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №___ с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Тошкент, Шайхантохурский район ул. Алишера Навоий. 32, Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019 года.

(Реестр за №___ от “___” _____ 2019 года).

Муталов Ш.А.

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

Пулатов Х.Л.

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

Сидиков А.С.

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире повышается потребность в высокоэффективных сорбентах и получения для целенаправленного использования природных органических, неорганических, особенно углеродных ресурсов. Роль сорбентов для очистки сточных вод от ионов тяжелых металлов, нефтяных продуктов и других токсичных компонентов большая. Благодаря экологической безопасности, низкой себестоимости, удобствам в использовании и возможности многократной регенерации интерес к данным сорбционным материалам растет. Создание новых способов и технологий получения высокоэффективных новых сорбционных материалов и с их помощью очистка сточных вод имеет важное народно-хозяйственное, экономическое и экологическое значение.

В настоящее время в мире усилено внимание и требование к проблемам экологии с рациональным использованием природных ресурсов и вредное влияние промышленности обусловило необходимость разработки рациональной технологии производства сорбционно-ионообменных материалов с заданными свойствами и структурой. В этом важную роль играют новые высокоэффективные сорбционные материалы модификацией природных минералов, активацией углей интенсивными способами их получения также на основе целлюлозы и полиакрилонитрила (ПАН) многокомпонентных ионообменных материалов для очистки сточных вод.

В Республике загрязнение окружающей среды все больше определяет необходимость разработки рациональной технологии с внедрением эффективных очистных установок, основанных на использовании различных сорбционно-ионообменных материалов с заданными свойствами и функциями. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены меры «Проведение политики, направленной на модернизацию производства, повышение технологической диверсификации отрасли путем перевода ее на качественно новый уровень»¹. В связи с этим, особый интерес представляет проведение исследований с целью создания сорбционно-ионообменных материалов модификацией природных минералов, активацией углей интенсивными способами их получения также на основе целлюлозы и полиакрилонитрила (ПАН) многокомпонентных ионообменных материалов для очистки сточных вод.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

Научные исследования, направленные на получение сорбционно-ионообменных материалов на основе минеральных и вторичных органических ресурсов для очистки сточных вод осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе, Department of Chemical Engineering, Institute of New York (США), Luxembourg Institute of Science and Technology (Германия), Mexico of Science Attapulgu (Мексика), Fertilizer Research Institute (Польша), The Chemical Society of Japan (Япония), University of Science and Technology (Китай), Department of Chemistry (Индия), National Nanotechnology Center (Таиланд) Department of Chemical Engineering (Иордания), в Институте общей и неорганической химии РАН, Московском государственном университете им. М.В. Ломоносова, Свердловском политехническом институте им. Кирова (Россия), Институте общей и неорганической химии (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по очистке промышленных сточных вод с помощью сорбентов получены ряд научных результатов, в том числе: усовершенствована технология получения неорганических сорбентов путем химической переработки и понижением температуры термообработки для очистки органических растворов путем физико-химической переработки минеральных глин (Mexico of Science Attapulgu, Мексика); разработаны композиционные сорбционно-ионообменные материалы модификацией дивинилбензола введением ионогенных - функционально активных групп с целью увеличения прочности и селективности извлекаемых ионов металлов (Киев, Харьковский национальный университет Украина); получены катион- и анионообменные хемосорбенты на основе полиакрилонитрила и целлюлозы, и определена селективность к ингредиентам в воде, создана технология их применения при очистке сточных вод (Институт общей и неорганической химии РАН, Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, Свердловский политехнический институт им. Кирова); созданы сорбционные ионообменные и композиционные материалы на основе углеродных, минеральных и органических ресурсов, путем их модификации и введения ионогенно-функциональных функциональных групп (Институт общей и неорганической химии АН РУз, Узбекистан).

В мире по очистке промышленных вод с помощью сорбентов, по ряду нижеисследующих приоритетных направлений проводятся исследования, в том числе: разделение ионов тяжелых металлов из питьевых и промышленных сточных вод; определение механизмов введения ионогенных групп в

²Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе www.km.ru, www.fundamental-research.ru, www.works.doklad.ru, www.dissercat.com, www.api.org.

природные минералы и карскас органических соединений; создание ионообменников нового поколения и применение их при очистки сточных вод; из состава промышленных вод возврат вынужденных продукций для народного хозяйства и концентрирования редких элементов до степени промышленной концентрации расширение их перспективу.

Степень изученности проблемы. Для решения весьма важных научно-практических задач в первую очередь были обобщены данные о процессах химической модификации и технологии получения сорбционных материалов, а также их селективное использование при очистке сточных вод от вредных примесей (Когановский А.М., Амфлетт Ч., Дубинин М.М., Смирнов А.Д., Кульский Л.А., Волков Б.В., Тарковская И.А., Тарасевич Ю.И., Лукин В.Д., Арипов Э.А., Кельцев Н.В., Таджиев А.Т., Халмухамедова Р.А., Пулеревиц М.Я., Сербина Т.В., Ергожин Е.Е., Акимбаева А.М., Попов В.С., Муминов С.З., Агзамходжаев А.А., Турабжанов С.М., Назирова Р.А., Муталов Ш.А.). В литературных источниках также имеются данные о природных сорбентах, но работы, связанные с экохимическими основами их создания и селективным применением сорбционных материалов на базе местных сырьевых ресурсов отсутствуют.

В мире целесообразно применение доступных сырьевых ресурсов на основе фундаментальных физико-химических и технологических принципов с учетом основных модификаций и проведение исследований с целью создания сорбционно-ионообменных многокомпонентных материалов на основе местных углей с целью замены импортных углеродных сорбентов, использования целлюлозных вторичных ресурсов сельскохозяйственной продукции и отхода производства для создания адаптационной технологии очистки сточных вод.

Связь темы диссертационной работы с научно-исследовательскими работами высшего учебного и научно-исследовательского заведения. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ по темам Института общей и неорганической химии и Ташкенского государственного технического университета имени И. Каримова «Разработка и производственные испытания сорбционной доочистки керосина с использованием местного сырья» (прикладная); «Разработка и внедрение нового, дешевого и более эффективного флокулянта для использования в процессах очистки сточной воды нефтепереработки» (прикладная); «Закономерности изменения селективности новых сорбционно-ионообменных материалов к различным анионам и катионам металлов», (2008-2009 гг.) (фундаментальная); «Утилизация жидких отходов с одновременным получением питьевой или технической пресной воды», (2009-2011 гг.) (инновационная).

Целью исследования является создание высокоэффективных импорто-замещающих сорбционных материалов на основе местных природных минеральных, углеродных и вторичных органических ресурсов для очистки сточных вод от ионов тяжелых металлов, радиоактивных элементов и нефтепродуктов.

Задачи исследования:

исследование состава и свойств местных углеродных, минеральных, целлюлозосодержащих природных и вторичных ресурсов, пригодных для создания сорбционных материалов с заданной структурой и свойствами;

исследование состава и свойств Ангреновского и Шаргунского угля создания на их основе импортзамещающих высокоэффективных углеродных сорбентов;

изучение физико-химических свойств КПП месторождений Нураты и Навбахор с целью получения сорбентов;

исследования в области активационных обработок целлюлозосодержащих природных источников и создание сорбционно-ионообменных материалов с высокой обменной емкостью осуществлением реакции этерификации целлюлозы фосфорной кислотой в присутствии карбамида;

изучение влияния температуры, времени этерификации и объема фосфорной кислоты на обменную емкость созданных сорбентов;

изучение и определение физико-химических свойств полученных сорбентов комплексом современных средств и методов;

исследование оптимальных условий и создание технологии селективной очистки подземных содержащих радиоактивные элементы и ионов тяжелых металлов, а также нефтепродукты промышленных вод с использованием разработанных сорбционных материалов.

Объектами исследования являются углеродные (угли), минеральные (КПП), целлюлозосодержащие природные и вторичные ресурсы, ПАН, подземные, содержащие радиоактивные элементы и промышленные сточные воды, содержащие ионы тяжелых металлов и нефтепродуктов.

Предметом исследования является изучение закономерностей процессов создания сорбционных материалов, комплекс теоретических и практических вопросов связанных с оптимизацией процессов их получения, а также проведение сорбционно-ионообменной очистки сточных вод.

Методы исследования. Комплексные аналитические методы физико- и коллоидно-химические, термография, нейтронно-активационный, сорбционные, ИК-спектроскопия, рентгеноструктурный анализ, математическое планирование и моделирование.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

впервые созданы сорбенты на основе карбонатного палыгорскита для очистки сточных вод, выявлены зависимости их физико-химических свойств от кислотно-термической, водно-термической активации (модификации) исходного продукта;

установлено, что при кислотно-термической модификации карбонатно палыгорскитовой глины увеличивается содержание SiO_2 действием термической активации при 850°C в течение 5 минут кристаллическая решетка разрушается и происходит разрыхление микроструктуры за счет разложения карбонатов и выделения CO_2 , и достигается необходимая объемная пористость, плотность, удельная поверхность;

созданы способы разработки активированных углей, сульфоугли обладающие повышенной прочностью, высокой сорбционно-ионообменными свойствами на основе местных растительных отходов, бурых и каменных природных углей;

впервые созданы фосфорнокислые эфиры целлюлозы (ФЭЦ) с повышенной обменной емкостью порядка 10 мг-экв/г, а также установлены факторы, влияющие на выход исходной целлюлозы влияние температуры, времени этерификации и объема фосфорной кислоты на обменную емкость полученного ионообменника;

